



**Самарқанд вилояти хокимининг
ҚАРОРИ**

**Халқ
депутатлари
вилоят
Кенгашининг
олтинчи чақириқ
етмиш еттинчи
сессиясини
чақириш
тўғрисида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ етмиш еттинчи сессияси **2022 йил 2 декабрь кuni соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Ҳ.Оқбўтаевнинг "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси тадбирлари доирасида амалга оширилаётган ишлар ва белгиланадиган вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида;
- вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи С.Ҳақимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонининг вилоятдаги ижроси юзасидан ҳисоботи ҳақида;

- вилоят хокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.Темировнинг вилоятда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларни ўз муддатларида тўлиқ ва самарали бажарилиши юзасидан ахбороти ҳақида;
- вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарлик профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари – хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Ёдгорованинг хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида;

- халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги компенсация комиссиясининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
- вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида;
- бошқа масалалар.

Вилоят ҳоқими Э.ТУРДИМОВ

2022 йил 25 ноябрь

Ёшлар марказида "Жойларда энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш" мавзусида видеоконференц алоқа шаклида ўқув-семинар ўтказилди.

Республикада муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш жуда долзарб масала ҳисобланади. Чунки углеводородли ёқилғилар - кўмир, газ, нефть захиралари камайиб бормоқда. Энергияга бўлган талаб эса ўсмоқда. Табиийки, бу муқобил энергияга эҳтиёжни кучайтирмоқда. Юзага келадиган энергия етишмовчилиги ўрнини қоплаш учун муқобил энергия турларини кенг жорий этиш зарур.

Хусусан, қуёш энергияси йўналишида вилоятимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Нуробод туманида 100 миллион кВт.ли қуёш станциялари қурилиб, ишга туширилди. Бу ерда яна 100 миллион, Каттакўрғон туманида 200 миллион кВт.ли ҳамда Чўпонота массивида 100 миллион кВт.ли қуёш станциялари қурилиши олиб борилаётган. Яқин келажакда Самарқандда 500 миллион кВт.ли станциялар қурилади.

Президентимизнинг 2022 йил 10 сентябрдаги "Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан муқобил энергия турларини жорий этган субъектларга бир қатор энгилликлар ҳам берилди.

- 2022 йил 1 октябрдан жисмоний шахслар мамлакатда ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол

ЭЛЕКТРНИНГ 90 ФОИЗИ ГАЗ ВА КЎМИР ЁҚИБ ОЛИНАДИ



электр станциялари ва қуёш сув иситкичларини уч йил мобайнида фоизсиз бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олишлари мумкин, - дейди Энергетика вазирлиги департаменти директори Музаффар Ҳақимов. - Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларнинг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилишини молиявий рағбатлантириш, маъмурий-маиший бино ва иншоотларда, шу жумладан, аҳоли

массивлари ва хонадонларида муқобил энергия манбаларини қўллаш чоралари қурилади. Ҳозир мамлакатимизда электр энергиясининг 90 фоизи газ ва кўмир ёқиш ҳисобига олинади. Бу санокли давлатлардагина мавжуд ёмон кўрсаткич ҳисобланади. Табиий ресурслар ҳам чекланган. Шу боис, муқобил энергияни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланди.

Таққослаш учун, Ўзбекистон энергия сифими кўрсаткичи бўйича 147 давлат орасида 74 ўринда. Ишлаб чиқарилаётган барча энергия ресурсларининг 40 фоизи бино ва иншоотларни иситиш ва совутиш учун ишлатилмоқда. 1 квадрат метр жойни иситиш учун 395 кВт. соат электр энергияси сарфланмоқда. Нидерландияда эса бу кўрсаткич 95 кВт. соатни ташкил қилади.

Йил якунига қадар вилоятдаги 432 та хокимлик, ташкилот ва муассасалар маъмурий ва ёрдамчи биноларига, 1951 та сектор раҳбарлари, ташкилот ва муассасалар бошқарув тизимидаги раҳбар ходимларнинг яшаш манзилларига қайта тикланувчи технологиялар ўрнатилади. Дафтарларга киритилган 600 нафар аҳоли хонадонига 360 та қуёш фотоэлектр станцияси ва 246 та қуёш сув иситиш ускуналарини ўрнатиш режалаштирилган.

Ҳозиргача қуввати 14547 кВА. бўлган жами 804 та қуёш фотоэлектр станцияси ва 190 та сув иситиш ускунаси ўрнатилди. Жумладан, 150 та қуёш фотоэлектр станцияси ташкилот ва муассасаларнинг маъмурий ва ёрдамчи биноларига (34,9 фоиз), 97 таси сектор раҳбарлари, ташкилот ва муассасалар бошқарув тизимидаги раҳбар ходимларнинг яшаш манзилларига ўрнатилди. 550 дан ортиқ аҳоли хонадонига ҳам қуёш фотоэлектр станцияси ва 200 га яқин сув иситиш ускуналари ўрнатилди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари А.Шукуров вилоятимиздаги кичик гидростанциялардан 50 миллион кВт. электр энергияси олинаётганини билдирди. Массўлнинг таъкидлашича, 2021-2022 йилларда 6 та кичик гидростанция қурилиб, 250 миллион кВт. электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Тожикистонлик журналистлар Самарқандда

Тожикистон Журналистлар иттифоқи делегацияси юртимизга сафари давомида Самарқандда ҳам бўлди.



Тожикистон телерадиоканаллари раҳбарлари, марказий нашрлар бош муҳаррирлари, ахборот хизматлари вакил-

ларидан иборат делегация дастлаб Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ўзбек

ва тожик адабиётининг икки буюк мутафаккири – Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шундан сўнг тожикистонлик журналистлар вилоят Матбуот уйида бўлиб, "Зарафшон", "Самарқандский вестник" ва "Овози Самарқанд" газеталари таҳририятлари ҳамда Журналистлар уюм-маси вилоят бўлими фаолияти билан яқиндан танишди. Мехмонларга бой тарихга эга нашрларнинг ўтмиши ва бугунги кунини, уюшма вилоят бўлими қошида ташкил этилган журналистик маҳорат мактаби, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

- Давлатларимиз раҳбарларининг оқилона сиёсатлари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бормоқда, - деди Тожикистон Журналистлар иттифоқи раиси Зинатуллох Исмоилзода. - Жумладан, Ўзбекистон Журналистлар уюм-маси билан яқин алоқа ўрнатиб, ижодий

масалаларда биргаликда ишлаётганимиз қувонарли. Бу ўзбек ва тожик журналистикаси учун ҳам бирдек манфаатли бўлмоқда. Жумладан, Самарқандга иккинчи марта келяпмиз ва бу ердаги оммавий ахборот воситалари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бундай учрашувларимиз алоқаларимиз кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Самарқанд вилояти матбуотининг бир асрдан ортиқ тарихини ўзида мужассам этган музей ҳам мехмонларда катта таассурот қолдирди. Тожикистонлик журналистлар Садриддин Айний уй-музейи фаолияти билан танишди. Шунингдек, Абу Абдулло Рудакий ва Абулқосим Фирдавсий ҳайкаллари ўрнатилган майдонларда бўлди. Аллома-лар ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди.

Мехмонлар Самарқанддаги тарихий обидалар ва муқаддас қадимжоларни зиёрат қилди. "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

Самарқанд шаҳрида иккита туннель, иккита кўприк қурилади



Президентимизнинг жорий йил 8 сентябрдаги "Абу Дабӣ Тараққиёт жамғармаси иштирокида "Самарқанд шаҳрида сув таъминоти тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Самарқанд шаҳрида таъмирлаш, реконструкция ишлари олиб борилади.

"Самарқанд шаҳрида сув таъминоти тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш гурўҳининг маълум қилишича, 2022-2026 йилларга мўлжалланган лойиҳа доирасида 2,3 километр бўлган Амир Темур, 7,5 километрлик Гагарин кўчаларини реконструкция қилиш белгиланган.

Гагарин - Мирзо Улуғбек кўчалари чорраҳасида 750 метр ҳамда Гагарин - Рудакий кўчалари чорраҳасида 650 метрлик иккита туннель, Гагарин кўчасидаги темирйўл устида 78 метр, Сибё канали устида 165 метр бўлган кўприк қурилади.

Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан барқарор таъминлаш мақсадида 15,8 километр тармоқ янгиланади, 6 та сув-насос станцияси, "Даҳбет" ва "Чўпонота" сув иншоотлари реконструкция қилинади.



Бугун ҳаво ўзгарувчан бўлиб, **айрим жойларда ёғири ёғади.** Баъзи ҳудудларда туман тушади. Шамол тезлиги **15-20 метр сониягача** кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси ва кундузи **5-10 даража илиқ** бўлади.

30 ноябрда айрим жойларда ёғири ёғади. **1 декабрда** ёққан ёғири қорга айланиши мумкин. Кечаси **0-5 даража**, кундузи **2-7 даража илиқ** кузатилади.

2-3 декабрь кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Ҳарорат кечаси ва кундузи **0-5 даража илиқ** бўлади.

Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.

СЎЛИМ ШАҲАРЧАСИ қачон ўз номига мос бўлади?

Ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Сўлим кўрғони - Самарқанд шаҳрининг чекка ҳудудларидан бири.

Учта маҳалладан иборат мазкур шаҳарчанинг муаммолари кейинги йилларда барчанинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Шаҳарча аҳолиси қарийб 20 йилдан бери ичимлик суви, табиий газ, электр энергиясидаги узилшлардан безор бўлган. Кўча ва йўлларнинг хароб аҳоли ҳамда ободончилик ишлари ташкил этилмаганлиги сабабли шаҳарча ўртасидан ўтган Дарғом канали ёқаларига тўкиб кетилаётган минглаб тонна чиқиндиларнинг бадбўй ҳидига чидаб бўлмай қолган.

Уч йил илгари аҳоли мурожаатларидан сўнг вилоят ҳокими Э.Турдимов ташаббус билан Наврўз, Ёшлик ва Чилқудуқ маҳаллаларида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Шаҳарча марказидаги Наврўз маҳалласига марказ қурил-

ди. Кўчалар ободонлаштирилиб, асфальт қилинди. Янги кўчаларга тош тўқилди. Симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди, трансформаторлар янгиланди. Шаҳарча чиқиндилардан тозаланди.

- Вилоят ҳокими ташаббуси билан бошланган ишлардан




сўнг шаҳарчамизга файз кириб қолди, - дейди "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Умаров. - Кўчаларимизнинг 80 фоизи асфальт қилинди. Маҳалламиздаги 3 та трансформатор кучайтирилди, биттаси янгиланди. Мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Бироқ Дарғом каналининг чап томонда яшаётган аҳоли маҳалла марказига келишда кўприқдан ўтишга қийналади. Айниқса, қиш кунлари мактабга қатнайдиغان ўқувчиларга бу ҳолат ноқулайлик туғдиради.

Самарқанд шаҳри ҳокими янги кўприк кураимиз, деб ваъда берган эди. Бироқ дастурдан

Очиқ, аммо аччиқ гап



қолиб кетди. Шунингдек, совуқ кунлари Муҳандислар, Чавгон ва Мевали кўчаларидаги 200 га яқин хонадонга босими тушиб кетганлиги сабабли табиий газ келмай қолади. 2019 йилда шағал тўкилган ўнта кўча ҳалигача асфальт қилингани йўқ. "Махсус сув қурилиш инвест" компаниясига қарашли А.Насриддинов раҳбарлигидаги "М-3" МЧЖ ишчилари томонидан учта маҳалла бўйлаб 4,8 километр масофага оқова тармоғи тортилди. Бироқ олти ой ўтиб кетган бўлса-да, хануз канализация ишга тушгани йўқ. Камига асфальти кесиб олинган кўчалар қайтиб созланмади.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

► Конституциямиз қабул қилинган кун олдиан

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишизлиқдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.



Иш берувчи ва ходим:

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар

Бу тамойил Меҳнат кодексининг 16 ва 17-моддаларида ҳам ифодаланган. Унга кўра, ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Иш берувчининг эса меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш ҳуқуқи бор.

Кўриниб турибдики, меҳнат шартномаси тузилганидан кейин ходимнинг ишига қараб иш ҳақи олиши унинг ҳуқуқи бўлса, иш берувчи томонидан берилган вазифаларни бажариш мажбурияти ҳисобланади. Бундан англашга мумкин, ходим фақат меҳнат шартномасида белгиланган ишларни бажариши лозим.

Айрим ҳолатларда меҳнат низоларининг юзага келишига айнан шу ҳолат, яъни иш берувчи томонидан ходимга лавозимга зид вазифаларни юклаши сабаб бўлмоқда. Оқибатда воқелик ходим меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақ бўлмоқда. Ёки иш берувчи ўз зиммасидаги мажбуриятларини лозим даража бажармаслиги ортидан ҳам шундай ҳолатлар кузатиляпти.

Масалан, фуқаро З.Х. хусусий корхонага ҳайдовчи вазифасига ишга кирган. Орадан маълум муддат ўтгандан сўнг ташкилот З.Х. бошқарувидаги автомашинани сотиб юборганлигини важ қилиб, унга иш ҳақи тўламай қўйган.

Қонун талабларига кўра, иш билан таъминлаш мажбурияти иш берувчига юклатилган. Агар иш ҳажми қисқарган бўлса, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши керак.

Айтилдики, ишга кирган ва муносиб шартлар билан таъминланган ходим ташкилотга зарар келтираётган бўлса, унга чора

қўриш мумкинми?

Амалиётда кўп учраётган мазкур масалага ҳам тўхталиб ўтиш айни мудида. Негаки, Меҳнат кодексининг 198-моддаси талабига кўра, ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт. Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан, иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек, иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади. Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Қайд этиш лозим, 2018 йил 13 июлда давлатимиз раҳбарининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларида ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган. Ҳужжатга асосан суд қарорлари ўқиб эшиттирилгандан кейин унинг мазмун-моҳиятини тарафларга тушунтириб бериш қоидалари йўлга қўйилган. Яъни, судья ҳар бир низо юзасидан қайси асослар ва қайси қонун ёки қонунности ҳужжатларига асосан шундай хулосага келганлигини тушунтириб бериши керак.

Натижада вужудга келган меҳнат муносабатларидаги низолар бартараф этилмоқда (кўрилатган ишларнинг деярли 90 фоизи). Тараф низо юзасидан ўзининг ноҳақ эканлигини тушуниб, идорама-идора шикоят қилишдан воз кечмоқда.

Иш берувчи ва ходим меҳнат шартномаси шартлари, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва жамоа шартномасига амал қилган ҳолда фаолият олиб бора, иш судгача етиб бормади.

Феруз КАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Уйимиз орқасидаги кўча остидан ичимлик сув тармоқлари ўтган, – дейди Кишинёв кўчасида яшовчи Гулсара Ҳазраткулова. – Лекин эскириб, тешилиб қолганлигидан ҳар доим ертўламини сув босади. Бир неча марта "Сув таъминот" МЧЖнинг Самарқанд шаҳар филиалига мурожаат қилдик. Ниҳоят, жорий йилнинг июнь ойида келиб, қувурларни алмаштиришди, бироқ асфальт қилишни унуттишди.

Онахоннинг ҳовлисида мевали дарахтлар орасида турган эски симёғочга кўзимиз тушди. Айтишча, яна 20 дан зиёд ҳовлида худди шунга ўхшаган симёғочлар электрчиларнинг ёдидан кўтарилиб алмаштирилмай қолган.

Шаҳарчининг Ёшлик маҳалласида ҳам юқоридаги каби муаммоларни кўриш мумкин. 2019 йилда "Обод маҳалла" дастурига асосан ободонлаштириш ишлари олиб борилган бўлса-да, маблаг етишмаслиги сабабли кўп ишлар чала қолган. Жумладан, маҳалланинг ички кўчалари асфальт қилинмаган. Йўл четига бетон ариқлар ўрнатилмай қолган. Шунингдек, болалар майдончалари, спорт ўйингоҳи йўқ. Нуронийлар маскани учун бўлган сув оқова тизимлари ҳам ишлатилмаган.

– Маҳалладошларимиз ҳар кунги йўл инфратузилмаси ёмонлиги, шарт-шароит яратилмаганлигидан шикоят қилиб келишади, – дейди "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хуршида Курбонова. – Бетон ариқлар ўрнатилмаганлиги сабабли ёмғир ёққанида кўчаларни сув босиб, хонадонларга кириб кетади. Бетон устунлар ўрнатил-

СЎЛИМ шаҳарчаси қачон ўз номига мос бўлади?



ди, бироқ 60 донга эски симёғоч олинмади. Айрим кўчаларда бетон устунлар тармоққа уланмаган, тунги ёриткичлар қўйилмаган. Вилоят ҳокимининг сайёр қабулига бориб, муаммоларга ечим топишда ёрдам сўрадик.

Маҳалла раиси 10-оилавий поликлиникага қарашли Сўлим филиалининг олдидаги эски шифохона ўрнида болалар майдончаси ва спорт ўйингоҳи қуриш ташаббуси билан чиқаётганини таъкидлади. Бироқ 1 гектарга яқин ер вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли бўлганлиги учун ажратиб бериш қийин бўлаётганини айтди. Чилқудуқ маҳалласидаги ободонлаштириш ишлари бошқаларидан қолишмайди. Муаммолари ҳам қўшни маҳаллаларникига ўхшаш. Кўчалар абгор, ариқлар қўйилмай кетган, табиий газ босими паст, симёғочлар алмашмаган...

– Кўчаларимизга тош тўкишди, лекин асфальт қилинмади, – дейди маҳаллада яшовчи 80 ёшли

Шароф Маърупов. – Ирригация тармоқлари йўқлигидан кўчалар кўлга айлиб борапти. Болаларимиз мактаб ва боғчага боришга қийналишади. Биз, қариялар эса маҳалла марказига бормай уйда қамалиб ўтирамиз. Чунки, дарвозамиз олди ёмғир сувига тўлади. Қаттиқ шамол бўлса, "свет" ўчида. Кўчаларимиз тунги ёритиш чироқлари йўқлиги сабабли, зим-зиёга айланади.

Маҳаллаларни айланар эканмиз, ҳар бир кўчадан ўтганимизда қоп-қоп чиқинди уюмига ва уларни титаётган итларга кўзимиз тушади. Ҳазонрез вақти эмасми, шамол барглари бир кўча қилиб "ялангитроққа". Айтишларича, тўрт ҳафтадан буён чиқинди ташуши машинаси келмаётган экан.

– Ҳар ҳафта жума кунини "Мароқандобод" ДУК машиналари келиб шаҳарчани айлиб, йиғилган чиқиндиларни олиб кетар эди, – дейди Навруз маҳалласида яшовчи Равшан Аҳмедов. – Лекин мана

3-4 ҳафтадирки, келгани йўқ. Ҳамма жой чиқиндига тўлиб кетди. Барг-ҳазонларни тўплаб, ёқиб бўлмас... Шусиз ҳам каналнинг ёқаси чиқиндига тўлиб кетган.

10-оилавий поликлиника филиалида ҳам қатор муаммолар бора экан. Ўн минг аҳоли яшайдиган шаҳарчага битта ҳам "тез ёрдам" машинаси ажратилмаган. Оғир беморларни Самарқанд шаҳридаги тез ёрдам бўлимига олиб боришга мажбур бўлишмоқда.

Хуллас, Сўлим шаҳарчасида уч йил илгари бошланган "Обод маҳалла" дастурлари тўлиқ амалга оширилмаган. Қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари чала қолган. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари шаҳарчага бориб, ишларни назоратга олмас бўлмайди. Сўлим шаҳарчаси ўз номига мос ҳолда сўлим масканга айланиши керак.

Дилмурод ТЎХТАЕВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат),
"Зарафшон" мухбирлари.

БУ ФАКТИ!
Жорий йил 10 ойда вилоятимизнинг ташқи савдо айланмаси **1,9 МИЛЛИАРД** АҚШ долларини ташкил этди.



Озиқ-овқат давфсизлиги:

НЕГА ИМКОНИЯТИМИЗДАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНА ОЛМАЯПМИЗ?

Озиқ-овқат давфсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва умуман олганда, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши кўп жиҳатдан қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг самарали фаолиятига боғлиқ.

Маълумотларга кўра, республикамизга йилига 1,5 миллиард долларлик озиқ-овқат импорт қилинади ва унинг таркибиде ўзимизда етиштирилиши мумкин бўлган 25 илданми маҳсулот мавжуд. Бундан кўринадики, аҳоли даромадларининг аксарияти оватланишга сарфланади, бу бошқа соҳа ва тармоқлар ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Эндилкида қишлоқ ҳўжалиги вазири ва ҳокимларга келгуси йилнинг 1 май ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг динамикасига қараб хулоса қилиш топшириғи берилган. Ҳўш, бу борада вилоятимизда аҳвол қандай, энг долзарб вазифалар нималардан иборат ва унда илмий ёндашувнинг ўрни қанча?

Фермер ҳўжаликлари ихтиёридаги суғориладиган экин майдонлари 246,1 минг гектардан иборат бўлиб, жорий йилда шундан 72 минг гектариде пахта, 105 минг гектариде галла, 23,5 минг гектариде сабзавот, 17,2 минг гектариде тартошча ва қолган майдонларда полиз, мойли ва озуклоб экинлар экилган. Вилоят аҳолиси ҳар йили тахминан 70-75 минг кишига кўпайиб, бугунги кунда 4 миллион кишидан кўпроқни ташкил этмоқда. Бу рақамлар аҳолининг рационал оватланишини таъминлаш учун муҳим.

Бўғдой харид нархи кўтарилишининг салбий оқибатларининг олдини олиш учун картошкани аҳолига имкон қадар арзон нархларда етказиб бериш мақсадида унинг экин майдонлари икки мартаба кўпайтирилгани ижобий натижа бермоқда. Бундан ташқари, сабзавотчилик ҳам қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари таркибиде салмоқли ўрнини эгаллайди.

Дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавот помидор ҳисобланади (тахминан 20-25 фоиз). Консерва саноатида ундан фойдаланиш томат пастаси ва бошқа маҳсулотлар йиғини қўрилади. Бу маҳсулотлар юзлаб ички ва ташқи бозорда талаб юқиб, шунча имконият бўла туриб, нима сабабдан биз ундан самарали фойдалана олмаёпмиз? Помидор етиштиришда асосий муаммо - унинг ҳосилдорлиги йилдан йилга пасайиб бориши. Бу

эса тайёр маҳсулот таннархининг келиши ўсиб кетиши, натижада саноат корхоналарининг паст рентабеллик билан ишлаши ва энг ачинарлиси, халқаро бозорларда рақобатга дош бера олмаслигидир. Кейинги йилларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 30 тоннагача пасайди. Ваҳоланки, шу пайтгача вилоятимизнинг илгор ҳўжаликларида бу кўрсаткич гектарига 70-80 тоннани ташкил этарди. Афсуски, фермер ҳўжаликларида кўра кенгроқ имкониятларга эга сабзавотчилик кластерларида ҳам бу борада яхши натижаларга эришилмапти.

Гап шундаки, илгари кўчатлар фақат маҳаллий уруғлардан тайёрланган, шу боисдан деҳқонларимиз унинг инжиқликларини яхши ўзлаштирган. Кейинги йилларда помидорнинг аксарияти, айниқса бозорга чиқариладиган ва қайта ишлашга мўлжалланган қисми Нидерландия, Хитой, Туркия ва бошқа давлатлардан импорт қилинадиган уруғлар ёрдамида етиштирилади. Мантиқан келиб чиқадики, муаммо, касалликлар, парварилашнинг нозик томонлари ҳам шунга мос тарзда шаклланади. Кўчатчилик билан боғлиқ муаммо ёки қийинчиликлар мос тарзда қарама, гулқарам, бўлғор қалампирига ҳам тааллуқли ва улар бир-бирига мос тарзда ечилиши мумкин.

Сабзавотнинг 70 фоизи томорқада етиштирилишини инобатга олсак, соҳадаги ҳолат қай даражада чигал экани, мавжуд муаммоларни илм-фан ютуқларига таянмасдан ечиб бўлмаслиги тушунилади. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун вилоятимиздаги 26,2 минг, асосан илтимой дафтарларда рўйхатда турадиган оилаларга жорий йилда 5,8 минг гектар ер майдони ажратилиб, деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилди. Шундай экан, натижадорлик ҳам шунга мос бўлиши, яъни юқори даромадини таъминлай оладиган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу борада маркетинг фанининг роли беқиёс. Агар экинларни жойлаштиришда ушбу фан имкониятларидан фойдаланилмаса, маҳсулотнинг нархларида чуқур (кучли) тебранишлар вужудга келиши, бу эса кўзда тутилган

натижаларни таъминлай олмаслиги мумкин.

Биринчи навбатда гап ҳисоб-ки-тобларни тўғри йўлга қўйиш ва ушбу мақсадларда ахборот технологияларидан фойдаланиб, соҳани рақамлаштириш тўғрисида бормоқда. Бу вазифа ўз ечимини топгандан кейингина моддий-техник ва сув таъминоти, етиштирилган маҳсулотни ички бозорга чиқариш ёки экспорт қилиш самарадорлигини илм-фанга таянган ҳолда такомиллаштириш борасида бош қотириш мумкин.

Ҳозирча соҳада илмий ёндашувдан дарак йўқлигини исботловчи бир мисол келтирамиз. Тойлоқ туманида республика сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик илмий тадқиқот институтининг тажриба станцияси мавжуд ва унга уруғчилик билан шуғулланиш учун 80 гектар унмудор ва сувли ер ажратилган. Аммо, бу муассасанинг фаолияти эътибордан четда қолган. Солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботлардан аниқланадики, мавжуд экин майдонларидан, жумладан, 10 гектарга яқин юқори ҳосилдорликка эга тоқзор ва боғлардан йилга кўпи билан 5 миллион сўмлик фойда олинади. Омборда 300 миллион сўмлик полиз-сабзавот экинлари уруғи харидорини топа олмасдан тўпланиб қолган. Нафақат вилоят, балки муассаса жойлашган тумандаги бирон бир фермер ҳўжалиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Афсуски, институт раҳбарияти самарали фаолиятини йўлга қўйиш, юқори рентабеллик билан ишлашни талаб қилиш ўрнига, янги йилдан бошлаб мавжуд бўлган лабораторияларни қуриштириш, раҳбар олимларни рағбатлантириш учун давлат бюджетидан ойнага 33 миллион сўмлик иш ҳақи фонди ажратган. Шу билан бирга институт раҳбарларини ўттиздан ортиқ ишчилар деярли иш ҳақи олмасдан ишлаётгани, уларнинг меҳнат стажига эга бўлиши, пенсияга чиқиш имкониятлари қизиқтирмаслигини тушуниш қийин, албатта. Таклифим шундан иборатки, ушбу муассаса фаолиятини мавжуд қонунчилик доирасида назоратга олиш, унинг юқори ташкилотига тўпланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш талабини қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Илҳом ВАҒОЕВ,
иктисодчи.

► Халқаро ОИТСга қарши курашиш кунини олдиан



Тиббий жиҳозлар ишлатилаётганда ҳушёрроқ бўлинг

ОИТС, яъни орттирилган иммунитет танқислиги синдроми тўғрисидаги дастлабки хабарлар ХХ асрнинг охирига келиб Америка Қўшма Штатларида тарқалган. Ўтган асрнинг 80-йилларида "ОИТС" номи билан кириб келган касаллик, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида қайд этилган. ОИВ инфекцияси – одамнинг иммунитет танқислиги вуриси келтириб чиқарадиган, яъни клиник белгиларсиз вирус ташиб юривчиликдан иммун тизимининг оғир зарарланишига олиб борадиган, узоқ давом этувчи сурункали юқумли касалликдир.

Республика аҳолиси ўртасида ОИВ дастлабки пайтлар гиёҳвандларда парентал йўл орқали тарқалган бўлса, ҳозирги кунга келиб, жинсий йўл орқали тез-тез юқиши кузатилоқда (ОИВ билан зарарланган шахсларнинг 50 фоизидан кўпроғи ушбу йўл орқали касалликни юқтирган).

ОИВ билан зарарланган шахсининг қон қолдиғи бўлган тиббий ва нотиббий асбоб ва жиҳозлар инфекция юқишида муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли тиббий ва маиший хизмат муассасаларига мурожаат қилганда, сизга ишлатила-

диган тиббий ва нотиббий асбобларининг соғлиғига ишонч ҳосил қилинг. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда тиббий муолажаларда ишлатиладиган бир марталик тиббий жиҳозлар беморнинг ёки унга қаровчи шахсининг кўз ўнгиде очилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, кўп марта ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий жиҳозлар соғлиғини таъминлаш муассаса раҳбари зиммасига юклатилган.

Ҳар бир инсон томонидан гигиена қоидаларига риоя қилиниши қон орқали юқадиган касалликларни олдини олишда муҳимдир. Устара, тиш чўткаси, маникюр ва педикюр жамламалари ҳар бир киши учун алоҳида бўлиши лозим. Барча фуқаролар бошқалар ишлатган ўтқир кесувчи жиҳозлар билан тасодифан жараҳот олганда зудлик билан тиббий муассасаларга мурожаат қилиши ва ОИВ юқишининг олдини олиш мақсадида мулоқотдан кейинги профилактика курсини олиши лозим.

Касалликни эрта аниқлаш уни ўз вақтида даволаш имкониятини оширади ва бемор умрини узайтиради.

Зубайдулла ЯКУБОВ,
Ўтган НУРУЛЛАЕВ,
вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази олий тоифали мутахассислари.

Давлат хизматлари халққа яқинлашмоқда

Вилоятимиздаги давлат хизматлари марказлари томонидан жорий йилнинг 9 ойида 813 минг 154 та давлат хизматлари кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (592 минг 614 та) 220 минг 540 та кўп.

Жумладан, 51 минг 647 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган. Тахлилларга кўра, давлат рўйхатидан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари 2021 йилнинг 9 ойига нисбатан 27 минг 439 тага ортган. Шунингдек, юридик шахслар 675 тага кам, яқна тартибдаги тадбиркорлар эса 28 минг 114 тага ортган.

Қайд этилган вақт давомида болаларни давлат боғчаларига жойлаштириш (138859), жисмоний ва юридик шахслар учун электрон рақамли имзо олиш (218949) ва кадастр паспортини шакллантириш (38701) энг оммабоп давлат хизматлари бўлган.

Таъкидлаш лозим, жорий йил 1

январдан 6 турдаги давлат хизмати учун тўловлар миқдори кескин камайтирилди, 2 турдаги хизмат учун тўлов ундириш бекор қилинди. Мисол учун, тадбиркорлик субъектларига давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида янги намунадаги гувоҳнома бериш базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 20 фоизга камайтирилди. Худди шундай, адвокатлик бюроларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказиш аввал БҲМнинг 2 баравари бўлган бўлса, бугунга келиб бу миқдор 1 бараварни ташкил этади.

Эндиликда my.gov.uz ёки Давлат

хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар учун тўловни амалга оширишда инвойсдаги рақамларни битталаб териш ёки "касса"да навбат кутишга ҳожат йўқ. Бунинг учун инвойсдаги QR-кодни сканер қилиб, тўловни "Payme", "Click", "U-pay" орқали амалга ошириш мумкин.

Давлат хизматларидан фойдаланилишини осонлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими мобил алоқа хизматларидан фойдаланаётган 20 миллиондан зиёд аҳоли учун алоҳида флеш-картани олиб юрмасдан хизматлардан осон ва тезкор равишда фойдаланиш имконини бермоқда.

Рустам НОРҚУЛОВ,
Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 сентябрдаги "Миллий географик ахборот тизимини яратиш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда доимий ишловчи 50 та глобал йўлдошли позиция станциялар ўрнатилди ва уларнинг мониторинги олиб борилмоқда.

Станциялардан келаётган маълумотлар сифатини назорат қилиш ва геодезик ўлчовларни тенглаштириш мақсадида республикада янги координаталар тизимини жорий этиш режалаштирилган.

Глобал йўлдошли позиция станциялар маълумотларини фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида "Биллинг тизими" ("Payme", "Click" ва ҳоказолар) жорий қилинди. Фойдаланувчиларни назорат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур пакетлар глобал йўлдошли позиция станциялар маълумотларидан фойдаланувчиларнинг техник параметрларига асосланган ҳолда "RTK", "Regional Network RTK service", "Post Processing Services" ва "Real Time Status Services" хизмат



турлари ишлаб чиқилди.

Станциялар ҳақида маълумот олиш ва улардан фойдаланиш юзасидан тўлиқ маълумотлар билан www.respublikaaerogeodeziya.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Республика аэрогеодезия маркази доимий ишлаб турувчи "GNSS" станциялардан геодезия, топография ишларида ягона координаталар тизими орқали қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини маълум қилади:

- топография ва картография ишларида;
- архитектура ва қурилиш ишларида;
- автомобиль ва темирйўлларда;

ГЕОДЕЗИЯ ВА ТОПОГРАФИЯ ИШЛАРИНИ ГЛОБАЛ ЙЎЛДОШЛИ НАВИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ОРҚАЛИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ БАЖАРИШ ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



- маркшейдерлик ишида;
- ўрмон ҳўжалиги ишида;
- электр ва газ линияларида.

"GPS" ускуналарини доимий ишловчи "GNSS" станцияларга боғлаган ҳолда исталган жойдан туриб топосёмка ва топографик ишларни бажаришга имкон яратилади.

Глобал йўлдошли навигация тизими ("GNSS") бу қабул қилувчи қурилмага эга бўлган сунъий йўлдош сигналини қайта ишлаш орқали ер объектларининг ҳудудий ҳолатини аниқлаш имконини берувчи тизимдир.

Бундан ташқари:

- "GNSS" станциясига боғланиб, замонавий "GPS" қурилмалари ёрдамида лойиҳа-қидирув ишларида топография, геодезия ишлари бажарилади;

- очик фойдаланишдаги "WGS-84" умумжаҳон координаталар тизимида ишлаш имконияти мавжуд;

- ҳозирги

вақтда республикада

жами 50 та "GNSS"

станция мавжуд;

- қамрови

етмаган ҳудудларга

қўшимча 80 та

"GNSS" станция

ўрнатиб, уларнинг

сонини 130

тага етказиш ре-

жалаштирилган.

2020 йил 2 июлда қабул қилинган "Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 3-боб, 17-моддасида давлат геодезия, нивелир, гравиметрия, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва ишлаш ҳолатида сақлаб ту-

риш белгиланган.

Республика ҳудудида яна 80 та "GNSS" станциялари ўрнатилиб, уларнинг сонини 130 тага кўпайтириш ҳамда "NGIS 2" лойиҳаси доирасида 2022-2023 йилларда Республика бўйича қамровни 100 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ушбу "SYGDS"лар АҚШнинг "GPS", Россиянинг "GLONASS", Европанинг "GALILEO", Хитойнинг "BeiDou", Япониянинг "QZSS" каби "GNSS" (глобал навигацион сунъий йўлдош тизими) тизимлар сигналларини қабул қилади. "SYGDS"лар – "Rover (mobil) GNSS" қабул қилувчилар ёрдамида реал вақтда геодезия, топография ишларини бажариш учун яратилган.

"GNSS" сунъий йўлдош тизими учта асосий компонентдан ёки сегментлардан иборат. Булар:

- космик сегмент;
- бошқариш сегменти;
- фойдаланувчи сегменти.

"GNSS Spider"

доимий станциялар

ва тармоқларни,

"GNSS"ни


марказий бошқариш

ва назорат қилиш

учун мўлжалланган

дастур.

Самарқанд шаҳри, Иштихон тумани, ва Нарпай туманларида 3 та, Навоий вилоятининг Навоий шаҳри, Зарафшон тумани, Учқудук туманларида ҳам 3 та "SYGDS"лар ёқилган ва туну кун сервер ушбу станциялардан маълумотлар қабул қилмоқда.



пунктга ўрнатиб битта мутахассис бириктириш талаб қилинади.

"GNSS" станциялари билан боғланиб ишлаганда техника харажатлари тежаб қолинади. Геодезик пунктга ўрнатиладиган асбоб ва бириктириладиган мутахассис "GNSS" станцияга бириктириб қолиш шарт бўлмаганлиги сабабли ўзингизга тегишли бўлган геодезик асбоб ва мутахассис билан иш унимдорлигини бир баробарга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин: +99866-237-15-13, +99891-556-08-05.

Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлини маси ахборот хизмати.

Реклама ҳуқуқи асосида

UzAuto Motors

ШЕРИКЛАР АХТАРАДИ

Самарқандда Марказий Осиёдаги йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи UzAuto Motors ва Freedom Broker компаниялари қандай қилиб UzAuto Motors компанияси шериги бўлиш, шунингдек, қандай қилиб Chevrolet Tracker автомобилни ютиб олиш мумкинлиги тўғрисида Roadshow ўтказди.



UzAuto Motors компанияси IPO – биржада акцияларини очик жойлаштириш бошланганлигини эълон қилди. Хусусан, "Тошкент" республика фонд биржасида жисмоний ва юридик шахслар сотиб олиши мумкин бўлган 5 фоизгача акция тарқатади.

UzAuto Motors Президент ва ҳукуматнинг тегишли фармон ва қарорларидан кейин IPOга чиқади, бунда мазкур йўлни босиб ўтиши лозим бўлган 23 та коммерция банклари ва компаниялари орасида биринчи бўлиб бу ишни амалга оширмақда.

Акцияларини очик тарқатиш ва хусусий секторни маблағ сарфлашга жалб қилиш компаниянинг стратегик тараққиёти учун муҳим қадам бўлади, - дейди UzAuto Motors компаниясининг молиявий таҳлилчиси Рустам Жаҳонгиров. - Компаниянинг IPOга чиқиши фуқаролар учун республиканинг йирик корхоналаридан биринчи акционер бўлиш ва у билан бирга ишлаш бошлаш учун катта имконият ҳисобланади. UzAuto Motors автомобилларига талаб ортиб бормоқда, компаниянинг даромади кўпаймоқда, демак, акцияларнинг ҳам баҳоси ўсади.

Самарқанднинг потенциал инвесторларига UzAuto Motorsнинг ҳозирги ҳолати, молиявий барқарорлиқнинг асосий кўрсаткичлари, шунингдек, келгуси тараққиёт стратегияси ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Аниқланишича, компаниянинг кейинги беш йилдаги даромадининг ўртача ўсиши 28 фоизини ташкил қилади. Фақат жорий йилнинг ўзида корхона 235 минг автомобиль ишлаб чиқариб, 166 миллион доллар соф фойда олди. Бу йил сўзсиз, фойдага таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтда компания Ўзбекистон бозорида автомобиль сотиш бўйича 90 фоиз улушга эга ва Қозоғистон бозоридаги улуши 30 фоиздан кўп бўлиб, биринчи ўринда.

UzAuto Motors 1993 йилдан буён ривожланмоқда, даромади кейинги 12 ойда 2,9 миллиард долларни ташкил қилди. Компаниянинг эгаси давлат ҳисобланади, аммо яқинда бу қоида ўзгаради ва ҳар қандай истаган киши шерик бўлиши мумкин. Бунда қимматбаҳо қозғаларни каттагина пулга сотиб олиш шарт эмас. Таҳлилчиларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра бир акциянинг мақсадли қиймати 80 минг сўм атрофида бўлади. UzAuto Motors акциялари пакетини 10 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда сотиб олган фуқаролар автоматик

тарзда Chevrolet Tracker янги автомобили йўлининг иштирокчисига айланадилар.

Roadshow вақтида IPO UzAuto Motors андеррайтери - Freedom Holding Corp халқаро холдингига кирувчи Freedom Broker инвестиция компанияси тўғрисида батафсил маълумот берилди. Холдинг АҚШ, МДҲ давлатлари ва Европа фонд бозорларига тўғридан-тўғри қиришга, Apple, Microsoft, Telsa, Zoom, Alibaba, Twitter каби дунё гигантлари қимматбаҳо қозғаларига маблағ сарфлашга имкон беради.

Кўплаб ҳамюртларимиз учун "фонд биржасида даромад топиш" тушунчаси қандайдир тушунарсиз, бегона, - дейди Freedom Broker компанияси бош директори Бахтиёр Бобоев. - Аммо хоржид илга-

ридан бу билан даромад қилишяпти. Фонд бозорида даромад олишни бошлаш учун йирик маблағ сарфлаш шарт эмас. Брокерлик ҳисоби очинг ва акциянинг синов пакети сотиб олинг, шунда сиз бу усулнинг қандай ишлашини тушунасиз. Шундай экан, барқарор ривожланаётган UzAuto Motors компаниясининг қимматбаҳо қозғалари орқали даромад топишни нега бошламаслик керак?

Компания акцияларини республика биржаларида жойлаштириш - UzAuto Motors стратегик тараққиётининг биринчи босқичи. Келгуси йил Ўзбек автомобиль саноати ўзининг акцияларини хорж биржаларига жойлаштиради. Ваҳоланки автомобиль ишлаб чиқарувчида бу соҳада тажриба мавжуд. 2021 йилда компания Лондон фонд биржасида ўзининг 300 миллион долларлик биринчи халқаро еврооблигацияларини жойлаштириди. Шунда тақлифлар беш баробар ошди.

Қандай қилиб UzAuto Motors компанияси шериги бўлиш ва пул ишлаш мумкинлигини батафсил тушунирадиган Roadshow Ўзбекистоннинг 9 шаҳрини қамраб олган.

Хизматлар лицензияланган.

Air Samarkand

авиакомпанияси

ходимларни ишга таклиф қилади

Учувчилар ва борт кузатувчилари:
Airbus A320 ва A330

Ҳаво ҳаракатини таъминлаш бўйича диспетчерлар ва штурманлар

Парвоз режасини таъминлаш бўйича диспетчерлар

Airbus 320/330 турдаги ҳаво кемаси учун тегишли рухсатномаларга эга авиатехниклар

airsamarkand.com



Манзил:
Самарқанд халқаро аэропортида жойлашган

- Халқаро маршрут тармоғи
- Ходимлар учун бонуслар
- Ижтимоий пакет
- Жозибали шартлар

Air Samarkand

ТАРЖИМАИ ҲОЛИНГИЗ
(РЕЗЮМЕ)НИ КУТАМИЗ:
info@airsamarkand.com

Хизматлар лицензияланган.

Мулоҳаза учун мавзу

Туман ҳокимларидан бири билан суҳбатлашиб ўтирганимизда иш столидаги китоблар ҳақида гапира туриб, бизга шундай савол берганидан хурсанд бўлгандим. Сабаби, кўп раҳбарларнинг хонасида ноёб китоблар турганини кўриб ҳайратланганимизда, айримларнинг бу китобларни шунчаки йиғиб юриши ёки совға сифатида келтирилганини айтиб, ҳафсаланимизни пир қилгани учун бу раҳбарнинг китобхонлигидан ҳам, саволидан ҳам ростакмига ҳайратлангандим.

Ҳозир қайси китобни ўқияпсиз?



Ҳозир раҳбарларнинг иши бошидан ошиб ётибди, китоб ўқишга вақт қаёқда, дейсизми? Тўғри, иш кўп (ҳеч қачон кам бўлмаган), лекин дам оладиган, ишдан бироз чалғийдиган вақт ҳам бўлади-ку. Дам олиш кунлари-чи? Ана, вақт топаётганлар, ўқиётганлар бор экан.

Назаримда, гап иш кўплигида, вақт камлигида эмас, ўзимизда, китоб ўқишга ҳафсала қилишимизда. Ёши етмишдан ошган устозларимиздан бири "Яхшиям китоб бор экан, вақтим бекор ўтмайди, йўқса, аллақачон бошқа тенгдошларимга ўхшаб кўрпа-тўшак қилиб ётиб оларимидан ёки чойхонадан бери келмайдиган бобой бўлиб қоларимдим", деди яқинда учрашганимизда.

Устозимиз – катта авлод вакили, ёшлигидан китоб ўқиб ўрганган. Бир умр шу одатига амал қилиб келяпти. Афсуски, бугун кўпчилигимиз – хоҳ у раҳбар ёки ходим, хоҳ кекса ёки ёш бўлсин, вақтни баҳона қилиб, китоб ўқимаймиз. Ҳатто шундай тоифа кишилар пайдо бўлдики, китоб, газета ўқимаслиги, телевизор кўрмаслиги билан мактабда, дунёни ижтимоий тармоқ орқали англайди. Балки шунинг учун фикрлар саёз, дунёқараш ўзига яраша, иккита сўзни бир-бирига боғлаб гапиришолмайди.

Бир ҳафта – ўн кунча аввал янгида кўришиш ва имкониятларга эга бўлган вилоят мусиқаши драма театрида иккита катта тadbир ташкил этилди (Аммо ҳали театр расман фойдаланишга топирилмаган, спектакллар намойиши бошланмаган, тез орада очилиб қолар). Катта бир ташкилотда ишлайдиган танишим "Театр жуда чиройли жой экан-ку, ҳеч келмагандим, афсус, вақт йўқ, бўлмаса, оила билан келиб, дам олиб кетсак, яхши бўларкан", деди.

– Нега вақт бўлмас экан, яқшаб кунги битта гаштақдан кечиб келса, бўлади, – дедим ҳазиллашиб.

– Ундай қилса бўлади, лекин улфатлар ранжийди-да...

Ҳа, шундай, истасак, вақт топамиз – китоб ўқишга ҳам, театр, музейларга бориш, баҳаво жойларда ҳордиқ чиқаришга ҳам.

Биз шу ҳолатда бўлганимиздан кейин фарзандларимиздан нимани кутишимиз керак? Ўзи қўлига китоб олмайдиган ота-она фарзандига қандай қилиб китоб ўқи, дейди? Айтганда ҳам боласи китоб ўқирмикан? Фарзандингизни кутубхонага, театр ёки музейга олиб бормади туриб, у улгайганда шундай жойларга боришини кутиш ўринлимикан?! Утган йил вилоят театрида шу куннинг мавзусидаги асар муҳаллаштиради.

Кўпчилик кўрди. Айрим ташкилотлар, идоралар жамоавий тарзда, оилавий бориб, спектакли томоша қилди. Ўша пайтда учта нуфузли идора вакилларида "Асардаги ноқобил фарзанд бизнинг соҳадаги ходимга ўхшаб қопти, кейинги намойишларда ўзгаришининг имкони бўлармикан", деган гапни эшитдим. Демак, асар кимларгадир таъсир қилган, қаҳрамонларда ўзини ёки ҳамкасбларини кўрган. Буям ибрат, буям тарбиянинг бир усули.

Бугун замон ўзгарган, дунёқараш ўзгача. Китоб ўқимасдан, театр ёки музейга бормасдан ҳам ўша завқни туйиш мумкин, дейишга шошилманг. Кимлар учун балки шундайдир. Аммо бугун ҳаётимизда телефон, интернет, ижтимоий тармоқ сингари китоб, маданият ва санъатнинг ҳам ўз ўрни бор. Бирининг ўрнини бошқаси билан тўлдириб бўлмаса керак. Буни англасак-ку яхши, акс ҳолда, бу бўшлиқнинг ўрнини ўткинчи ҳислар билан тўлдирिशга ҳаракат қиламиз.

Ақл ўргатмоқчи эмасмиз, шунчаки кўрган-билганларимиздан келиб чиқиб, айрим фикрларимни билдирдим, ҳолос.

Ҳ.ҲАСАНОВ.

500 миллион сўмга 600 га яқин ашё харид қилинди

Шу йилнинг 27 май куни қабул қилинган "Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қароридан 2022 йил 1 июндан бошлаб аҳолидаги маданий бойликларни давлат музейлари томонидан қабул қилиб олишни рағбатлантириш ва оммалаштиришга қаратилган "Миллий меросга менинг ҳиссам!" умумхалқ акцияси ташкил этилиши ва доимий равишда ўтказиб борилиши белгиланган.



Мазкур акция доирасида ҳар йили давлат музейларига маданий бойликларни, шу жумладан, мустақиллик йилларида яратилган, юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини харид қилиш учун Маданий мерос жамғармасига давлат бюджетидан қўшимча 3 миллиард сўм, ҳудудлардаги тегишли давлат музейларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетидан 500 миллион сўмдан маблағ ажратиб борилиши қайд этилган.

Шу пайтгача музейлар ўзи

ишлаб топган пулга, яъни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ашёлар сотиб оларди. Бироқ бу ҳам кўпи билан 40-50 миллион сўмни ташкил этиб, музейлар фондидан 3 миллиард сўм, ҳудудлардаги тегишли давлат музейларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетидан 500 миллион сўмдан маблағ ажратиб борилиши қайд этилган.

Президент қарори ижросини

таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг 2022 йил 27 июлдаги қарорига мувофиқ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонасига 500 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан милоддан аввалги II аср ва милодий XIV асрга тааллуқли 41 дона бронза ойна коллекцияси, XI асрга тегишли, асосан Қорахоний Иброҳим ибн Насрнинг 180 дона қумуш тангалари коллекцияси, Чигатой хонлари (Баёнқулихон ва Тармаширин)нинг 236 дона динар ва дирхамлари, ўндан ортиқ рангта-

свир асарлари, тарихий либослар, кашта, фотоаппарат, уй-рўзгор буюмлари, ипак гиламлар, заргарлик маҳсулотлари, жами 600 га яқин алоҳида тарихий ва бадиий қимматга эга ашёлар харид қилинди.

Яқин кунларда Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида жорий йилда харид қилиб олинган ушбу қимматли ашёлар кўргазмаси ташкил этилиши кўзда тутилган.

Маҳмудхон ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз.

KATTAQO'RG'ONDA YOSHLARNING SPORTGA QAMROVI O'N FOIZGA OSHDI, LEKIN...

Olis hududlardagi sport inshootlarining holati va maktablarda yoshlarning shug'ullanishi uchun yaratilgan sharoitlarni o'rganish maqsadida Kattaqo'rg'on tumanida bo'ldik. Tumanda 103 ta umumiy o'rta ta'lim maktabi, bitta sport maktabi va muassasaga qarashli 2 ta stadion bor.

- Maktablarning 38 tasi gazlashgan, 65 tasi ko'mir bilan isitiladi, - deydi tuman xalq ta'limi bo'limi metodisti Mansur Boboyev. - Joriy yil 1859 tonna ko'mir oldik va maktablarga tarqatdik. 14 ta maktabdagi eskirgan qozonlar yangisiga almashtirilib, mo'riklar tozalandi. Hozir barcha muassasalar isitilmoqda.

Tumanda soq'lom turmush tarzini targ'ib etish maqsadida 9,5 kilometr salomatlik, 9,5 kilometr veloyol'ak, 1 ta stritbol, 7 ta "Workout" maydonchasi foydalanishga topshirilgan. Qurilish ishlariga 7 milliard so'mdan ziyod mablag' sarflanibdi.

- Kattaqo'rg'on 7-30 yoshgacha bo'lgan yoshlar soni 121 ming nafarni tashkil qiladi, - deydi tuman sportni rivojlantirish bo'limi boshlig'i o'rinbosari Sarvar Tog'ayev. - O'tgan yil 26 ming nafar, ya'ni 11 foiz yoshlar sportga jalb qilingan edi. Joriy yil "Besh tashabbus olimpiadasi" doirasida 41 yingdan ziyod, ya'ni 21 foiz yoshlar qamrab olindi va bu ko'rsatkich o'tgan yilga nisbatan 10 foizga oshdi. Shuningdek, yoshlarimiz Osiyo chempionatida bittadan kumush va bronza, O'zbekiston chempionatida 5 ta oltin, 6 ta kumush, 7 ta bronza medallarni qo'lga kiritdi.

Shu o'rinda aytish kerakki, yutuqlar bilan birga, sohada yechimini kutayotgan muammolar ham bor. Jumladan, tumanda 280 ming aholi yashaydi. Shuning hisobiga olimpiya sport turlari kamida 20 dan ortiq bo'lishi kerak. Ammo bizda 12 ta olimpiya sport turi bor, xolos. Shuningdek, tumanimizdagi 103 ta maktabdan 68 tasida sport zal bo'lsa, 35 tasida yo'q, 10 tasi esa ta'mirlalab.

Kattaqo'rg'on yoshlarni sportga jalb qilish, jismoniy tayyorgarlik darajasini oshirish bo'yicha bir qator amaliy ishlarga o'q' urilgan va yaxshi natijalarga ham erishilgan. Ammo umumiy o'rta ta'lim muassasalaridagi va sohada mehnat qilayotgan mutaxassislarni qiyinlab kelayotgan muammolarga barham berilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi.

Fazliddin RO'ZIBOYEV.

“Одамлар ҳар хил тилларда гаплашадилар. Бироқ, фақат битта тилда – юрак деб аталмиш забонда севги изҳор қиладилар, қувонадилар, соғинадилар. Чингиз АЙТМАТОВ.

Келин-куёвнинг кўпчилик орасида бир-бирини қучоқлаб, рақсга тушиши учун алоҳида рақс курслари, тўйдан олдин уларни учраштириб, турли хил кўринишда видеолархалар олиш...

Яқинда қизини узатган бир онахон сепга олган нарсаларини, қуда томон берган уч хонали ўйни қимматбаҳо мебеллар ва сўнгги урфдаги пардалар билан безатишганини тўлиб-тошиб гапирар экан, "куёвсаломда катта экранли телевизор бердик...", дея қўшиб қўйди. Бундай гаплар, янги одатлардан тўлиб кетасан киши. Атрофимизда йирилганлар ичида ҳақ бештасидан тўрттасининг "муаммо"си – ким ўзарга қилинаётган орзу-хаваслар, қарз-хавола қилиб бўлса ҳам эл

“Топганингиз тўйга буюрсин!” — дуоми бу, қарғишми?

олдидан ўтиш умиди. Янаям ажабланарлиси, "тўй тўйга уланиши" ўзбек оилаларида янгилик бўлмай қолди. Тўйдан сўнг "келин қачирди" деган ортиқча исрофгарчиликлар билан ҳамма оввора. Кейин бешик тўйи, "яна бир тўн ташларканмизда, онаси", дейди ота шўрлик. Кўп ўтмай эса хатна ёки соч тўйини ўтказиш учун тайёргарлик бошланиб кетади...

"Топганингиз тўйга буюрсин!"... Дуоми бу, қарғишми?! Оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, ҳатто марҳумларнинг хотира-сига бағишланган тadbирларда ҳам ортиқча ҳашам, шухратпарастлик, дастурхонга меъёрдан ортиқ нозу-неъматлар тортилиши нафсининг қулига айланиб бораётганимиздан

далолат эмасми? Тўй янги оила барпо этилаётганининг нишончаси, ўндан бошқа маросимлар оилавий тadbир эканлигини англаб олиш фурсати этган. Қолаверса, увол кетаётган ноз-неъматлар учун жавоб беришимизни ҳам ўйлаб иш тўтишимиз шарт. Энг муҳими, бахт кўргони мустақкам бўлиши учун манманлик ёки кибр муҳим эмаслигини унутиб қўяпмиз.

Аждодларимиз янги оила авлодининг муносиб давомчиларини ўстирадиган гўша бўлишдан умид қилган. Бизни тўй ўтказишдан муддаомиз нима?

Гулчирай АБДУЛЛАЕВА,
Пахтачи туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби тарғиботчиси.


Қанча шукр қилсак, оз

Мақтабларда иқтидорли болаларни аниқлаш, уларнинг ижодга қизиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида маънавият тарғиботчилари фаолият юритмоқда. Мен ҳам ушбу вазифани зиммамга олиб, ўқувчилар билан ишлай бошладим. Ўқувчилар орасида шеър, ҳикоялар ёзиб турадиганлари бор.

Яқинда Эъзоа исми ўқувчи қиз шеърлар дафтари билан келди. У билан узок суҳбатлашдим, кетар чоғида қўлига бадиий китоблар бердим. Унга қанча кўп китоб ўқисанг, шунча сўз бойлигинг ортади, деб наслахат бердим. Кейинги келганида "Устоз, аввалги ёзган шеърларимдан уялиб кетяпман", деди. Мен ундаги ўзгаришни кўриб қувондим, бу ҳолат аслида ўқилган китобларнинг самараси эди.

Бир ижодкор сифатида қўлига қалам ушлаган ёшларга доим китоб билан ҳамнафас бўлишни ва бу энг тўғри йўл эканлигини айтаман. Берилаётган имкониятларга қанча шукр айласак, оз дегим келади...

Рухсора ОЛЛОЁРОВА,
шоира, маънавият тарғиботчиси.



Умр дафтаримни варақлаб ёлғиз, Ёшлик хотираларимни эслайман. Гўё кечачина бурда нон тишлаб Чанг кўчаларда чолган боламан.

Кўнгли қўмсаб қолар болагинини, Гоҳ чўп от миниб чоғим келади. Сочимга гар оқ тушган бўлса-да, Бобомнинг қўйнида ётгим келади.

Мен яна соғиндим тунда эркалаб, Момонинг сўзлаган эртақларини. Ҳанузки гўдакман, синдириб бўлмас Беғубор кўнглимнинг куртақларини.

Улуғбек МАРДИЕВ,
Нуробод тумани.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 356 nusxada chop etildi. Buyurtma 777. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda

